

1000

У 30.1  
375.14  
М 94

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИНГ ВА УРГА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ  
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



ДАРСНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ СЦЕНАРИЙЛАРИ БУЙИЧА  
ТАЙЁРЛАНГАН

**УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА**

Числ. 2

34 Б.18

М-94

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ  
ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА КАФЕДРАСИ

Л. А. МУҲАММАДЖОНОВА  
Б.Э. ҲУСАНОВ  
Ф.А.АБИДЖАНОВА

Дарсни замонавий педагогик технологиялар асосида  
ташқил этишинг сценарийлари бўйича тайёрланган

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



Тошкент - 2008

Ушбу услубий қўлланма "Этика ва эстетика" кафедрасида ўқитиладиган фанлар - Ахлоқ фалсафаси, Нафосат фалсафаси, Нотиклиги ва маданияти, Жаҳид муфаккирларининг ахлоқий эстетик қарашлари, Этика, Эстетика фанларини замонавий педагогик технологиялар методлари асосида ўқитишга мўлжалланган кичик ишланма ҳисобланади.

Услубий қўлланма замонавий педагогик технологияларнинг турли методлари асосида тузилган сценарийлар мажмуаси, мавзулар бўйича роли ўйинларни ўтказишга доир тавсиялар ўрни олган.

Ундан республикамиз олий таълим муассасаларида Этика, Этика фанларидан ўтказиладиган семинар машғулоти жараёнида фойдаланиш мумкин.

*Фалсафа фанларини номзоди Л.А.Муҳаммаджонованинг умумий таҳрири асосида тайёрланди.*

**Тузувчилар:** Л.А.Муҳаммаджонова  
Б.Э.Хусанов  
Ф. А.Абиджанова

Услубий қўлланма ЎзМУ Уқув-услубий бошқарма Кенгашида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган (Баённома №4. 2007 йил).

## Кириш

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг муссий вазифаларидан бири мустақил фикрга эга бўлган шахсни гарбиялаш, замонавий билимларни пухта эгаллаган малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир.

Бугунги кунда таълим жараёнида ижтимоий-гуманитар фанларнинг айниқса, Этика, Эстетика каби инсоннинг амалий фаолияти билан боғлиқ фанларга зарурият кучаймоқда. Зеро, бу фанларнинг олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларини, айниқса, ёшларнинг ахлоқий-эстетик тарбиясига масъулият билан ёндошиш, уларни ҳар томонлама камол топган замон кишиси қилиб тарбиялаш каби эзгу вазифалар турибди.

Бу вазифаларни амалга оширишда фанларни замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг ижобий самараси замонавий таълим жараёнида ўзининг исботини топган.

Мазкур услубий қўлланма ўқув жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишни "Бумеранг", "Фикрлар ҳужуми", "Ялпи фикрлар ҳужуми", "Ақлий ҳужум", "Матбуот конференцияси", "ФСМУ", «Кутилмаган савол» методларининг сценарийлари ўрин олган.

ЭТИКА ФАНИДАН "АХЛОҚ, ИХТИЁР ЭРКИНЛИГИ, АХЛОҚ  
ТУЗИЛМАСИ, ШАҲС АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ" МАВЗУСИИ)  
"ФИКРЛАР ҲУЖУМИ" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ИЛ  
ЎТКАЗИШ

## СЦЕНАРИЙСИ

**Дярс** мавзуси: (амалий машғулот) Ахлоқ. Ихтиёр эркинлиги. Ахлоқ тузилмаси. Шаҳс ахлоқий тарбияси.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, ахлоқ тузилмаси тушунчаси: ахлоқий онг ва унда урф одат ва анъаналарнинг ўрни; ахлоқий ҳиссиётнинг ўзига хос ҳиссий кечинма эканлиги; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсири, Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тушунчалари ўртасидаги ўзаро аълоқадорликнинг ижтимоий заруриятлиги хақида маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини инсои ҳаётидаги ўрнини хис қилиш ҳамда қўлай билиш қўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантириш, инсон ҳаётида ихтиёр эркинлигининг аҳамиятини тушунтиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини *юксалтириш*, ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини хис қилиш ҳамда қўлай билиш қўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантириш, ахлоқ тузилмаси тушунчаси: ахлоқий онг ва унда урф одат ва анъаналарнинг ўрни; ахлоқий ҳиссиётнинг ўзига хос ҳиссий кечинма эканлиги; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсири тушунтиришдан иборат.

**Дарсда фойдаланиладиган метод:** "Фикрлар ҳужуми"  
**Дарснинг бориши:**

1. *Ташкилий қисм.*

2. *Талабаларни амалги машғулотнинг мавзуси, мақсади еа бориши билан татиштириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, ахлоқ тузилмаси тушунчаси: ахлоқий онг ва унда урф одат ва анъаналарнинг ўрни; ахлоқий ҳиссиётнинг ўзига хос ҳиссий кечинма эканлиги; ахлоқий муносабатлар ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсири, ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тушунчалари ўртасидаги ўзаро аълоқадорликнинг ижтимоий заруриятлиги хақида маълумотлар беради.

3. *"Фикрлар ҳужуми" методи ил ўтказиш.*

Бу методдан мақсад, мумкин қадар катта миқтордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан холи қилиш, ижодий изишларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни егишдир. Ғу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўргатади.

Аудитория 5 ёки 6 та кичик гуруҳларга бўлинади. Хар бир кичик гуруҳ хал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 минут давомида мустақил равишда тўғри "Фикрлар ҳужуми" ўтказилади. Шундан сўнг гуруҳдан бири киши чиқиб ўзларини ғоялари ҳақида ахборот берадилар. Барча гуруҳ эшитиб бўлингандан сўнг ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади ва баҳо берилади.

#### */ - вазифа:*

Абайнинг "Инсон боласини замона парвариш қилади, кимда - ким ёмон бўлса, айб замондошларида", деган фикрни ижтимоий муҳит ва замоннинг инсон тарбиясига таъсири ҳақида нималар дея оласиз?

#### *2 - вазифа:*

Абдулла Авлонийнинг "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат масаласидур" деган фикрнинг ижтимоий аҳамиятини изоҳлаб беринг.

#### *3 - вазифа:*

Сўфийларнинг "Тавба - бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилиқ йўлининг бошланишидир" деган фикрга карашларингиз.

#### *4 - вазифа:*

Ахмад Яссавийнинг "Бошим туфрок, жисмим туфрок, ўзим туфрок, ҳақ васлига етарман деб руҳим мушток" ёки "Туфрок бўлгин олам сени босиб ўтсин" деган фикрларини ахлоқий жиҳатдан шарҳлаб беринг.

#### *5 — вазифа:*

Саҳиҳ ҳадислардаги "Аввал онангга, яна онангга, яна онангга, кейин онангга яхшилиқ қил" деган ҳадисни фарзанд бурчи сифатида ахлоқий жиҳатдан шарҳлаб беринг.

ЭТИКА ФАНИДАН «АХЛОҚДИУНОСЛИКНИНГ МУШТАРЛК МЕЗОНИЙ ТУШУНЧАЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ, МЕЪЁРЛАРИ» МАВЗУСИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "АГАР МЕН" ЗАНЖИРЛИ РОЛЛИ ЎЙИН МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

## СЦЕНАРИЙСИ

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) Ахлоқшуносликнинг муштарак мезоний тушунчалари, тамойиллари, меъерлари.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Талабаларни ахлоқшуносликнинг асосий категорияларини инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида яқиндан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларни Ахлоқшунослик - ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганадиган қадимий фалсафий фан экани. Ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ибтидосини ахлоқий ҳиссиётга бориб такалиши. Яхшилик ва ёмонлик, камтарлик ва такаббурлик, садокат ва хиёнат, Адолат, виждон, бурч, номус в. б. мезоний тушунчалар. Мухаббат ахлоқшуносликнинг энг қамровли тушунчаси сифатида. Ахлоқий тамойиллар ва уларнинг амалиётда намоён бўлиши; ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик ҳақидаги таълимотлар ва ғоялар билан таништиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини ҳис қилиш ҳамда қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

Дарсда фойдаланиладиган метод: "Агар мен» ролли занжир методи.

**Дарснинг бориши:**

*1. Ташкилий қисм.*

*/.. Тйлиосикхрни амалии маш&ул.ошнинг мобзуси, маъсаои ва оориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очиади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда жамиятда ахлоқ катигориялари, нормалари ва принципларининг жамият ҳаётидаги амалий аҳамиятларини ёритиб беришга бағишланганлиги, бу усул орқари жамиятдаги ҳар - хил тоифадаги инсонларнинг ахлоққа бўлган муносабати ҳақида фикр билдирилади.

*3. Ролли ўйинни ўтказиш.*

Бунда 10 киши 5 та ўғил бола ва 5 та қиз бола қатнашади. Берилган объект сифатида ролга кириб, ахлоқий жихатдан изохлаб берадилар.

Талабалар бир каторга турадилар. Уларга белгиланган саволлар берилади. Образдаги имкониятларидан келиб чикиб, бир кадамдан олдинга чиқадилар. Албатта ҳамма хар-хил жойда туриб қолади. Энг олдинда гурган образдан ижодий тўқимани эшита бошланади. Уларнинг фикрлари эшитилгандан сўнг уларга қарши фикр, ёки аксинча қўллаб - қувватлаган ҳолда ахлоқий жихатдан шарҳларни бошқа талабалардан эшитилади. Ўйин охирида ўқитувчи томонидан ҳулосаланади. Жами бу ўйин орқали 25-30 кишини баҳолаш мумкин.

*Роллар:*

*Ўғил болалар:*

1. Ҳокимнинг ўғли.
2. Наркоман, ўғри йигит.
3. киморбоз йигит.
4. Бозордаги аравакаш.
5. Зиёли ( хунари бор) йигит.

*Қиз болалар:*

1. Тиланчи қиз.
2. Етимхонада тарбияланган қиз.
3. Прокурор қизи.
4. Ўқиган ва уққан қиз.
5. Наркоман, енгилтабиат қиз.

*Саволлар:*

1. Мен жуда ҳам бахтлиман.
2. Бугун қорним жуда оч қолди.
3. Менинг қўлим барча нарсага етади.
4. Мен ота - онамни норози қилдим.
5. Бугун жуда ҳам кам пул топдим.
6. Мен ота- онамни кўргани кўзим йўқ.
7. Бугун ёғли иш топдим.
8. Мен севиб қолдим. (кимни ва нимаучун?)
9. Мен севгимни йўқотдим. (нимаучун?)
10. Ҳаётимнинг маъноси бор.



ЭТИКА ФАНИДАН "ОИЛА, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТП ПЛ ДАВЛАТНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ" МАВЗУСИНИ ЗАМО! ЎЛИ Ш ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "ФСМУ " МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

С Ц Е Н А Р И Й С И

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) Оила, фуқаролик жамияти ВЯ давлатнинг ахлоқий асослари.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Талабаларни ахлоқшуносликниш асосий категорияларини инсон ҳаётидаги ўрни, оиладаги ахлоқий муҳит, никоҳнинг ахлоқий ва ҳуқуқий кадриятлари ҳақида яқиндан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларни оилага тайёрлаш, жамиятда, оилада эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги масалаларини тўғри тушунтириш, никоҳнинг ахлоқий ҳамда ҳуқуқий кадриятлари ҳақида фикр билдириш. Жамиятда, жамоада аёлларга бўлган муносабат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини ҳис қилиш ҳамда қўллаш билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

Дарсда фойдаланиладиган метод: **ФСМУ**

**Дарснинг бориши:**

*1. Ташкилий қисм.*

*2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда жамиятда ахлоқ катигориялари, нормалари ва принципларининг жамият ҳаётидаги, оилавий муносабатлардаги амалий аҳамиятларини ёритиб беришга бағишланганлиги ҳақида фикр билдирилади.

*3. ФСМУ ўйинни ўтказиш.*

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнини баҳс ~ мунозарали ўтказишда қўлланилади. Бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Аудитория 5 ёки 6 та кичик гуруҳларга бўлинади. Уларга **ФСМУ** нинг 4 та босқичи ёзилган қоғоз ва баҳс учун вазиятлар тарқатилади. Вазиятдан келиб чиқиб, улар 4 та босқич бўйича қоғозга ўз фикрларини туширадилар. Гуруҳдан бири киши чиқиб ўзларини фикрини ҳимоя қилади, колганлари қўшимча қилишлари мумкин. Барча гуруҳ эшитиб

оўлингандан сўнг ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади.

;

ФСМУнинг 4 босқичи:

- Ф - фикрингизни баён этинг.
- С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
- М - кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг
- У - фикрингизни умумлаштиринг

*/ — вазият:*

Ёш оила кураётган келин - куёвга ўз оилавий шифохоналарига тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланма берилди. Куёв тўй тарадудидан билан вақти йўқлигини ва ж килиб бўлим бошлиғи билан "гаплашиб" маълумотномани бир амаллаб олади. Келин эса барча қоидага кўра кўриқдан ўтади. Бу ёш оила қурувчилар бир - бирларига соғлом эканликларини билдиришди ва уларни ФХДЁ бўлимида қайдэтиди. 4 — 5 ойлардан сўнг келин оилавий шифохонага қайнонаси билан чиқиб, хомилдорлик бўйича рўйхатга қўйилади. Олинган биринчи тахлиллар келинда захм касали мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бундан хабар топган эр ва қайнона келинни "енгил табиат аёл бизнинг хонадонимизга мос келмайди" - деб шармандаларча уйдан хайдаб юборишади. Бу ёш оилани тиклаб бўладими?

*2 - вазият:*

Оиладаги аёл раҳбар. Оила юмушларини бажаришга, болалар ўртасидаги муаммоларни ҳал қилишга, турмуш ўртоғининг ҳам қўнглига йўл топа олишга улгурмоқда. Оиладаги эркак раҳбар. У фақат давлат ишлари билан банд. Аёл ва сиёсат сизнинг муносабатингиз.

*3 — вазият:*

«Соғлом турмуш тарзи мустаҳкам оиланинг гаровидир» деган иборанинг мохиятини қандай тушунасиз? Оиладаги маънавий муҳит нималарга боғлиқ деб ўйлайсиз?

*4 — вазият:*

Сиз раҳбарсиз ва раҳбарлик қилаётган ташкилотингизга иккита ёш мутахасис келди. Бири ўқувсиз, билими саёз "оғайнингизни ўғли" йигит, иккинчиси билимли, ўз ишининг удабурони лекин оилали қиз. қайси бирини ишга қабул қилган бўлар эдингиз? Сабабини шарҳлаб беринг?

*5 - вазият:*

Шундай вазиятни тасаввур қилинг: Сиз бир оилага кирдингиз. Шу оиладаги мавжуд турмуш тарзини нималар орқали баҳолайсиз? "Соғлом турмуш тарзи мустаҳкам оиланинг гаровидир" деган фикрға қарашларингиз.

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ ФАНИДАН  
"ЖАМОАДА ВА МАИШИЙ ХАЁТДА МУОМАЛА МАДАНИЯТИГ  
МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИПГ  
"ФИКРЛАР ХУЖУМИ" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
ЎТКАЗИШ

С Ц Е Н А Р И Й С И

Дарс мавзуси: (амалий машғулот) Жамоада ва маиший ҳаётда муомала маданияти

Дарснинг таълимий мақсади: Муомала маданияти унинг моҳияти, таракқиёти ҳамда унинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни ҳақида маълумотлар бериш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, муомала маданиятининг аҳамиятини тушунтиришдан иборат.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, муомала маданиятининг қоидаларини кўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантириш ва уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсирини тушунтиришдан иборат.

Дарсда фойдаланиладиган метод: "Фикрлар хужуми".

Дарснинг бориши:

1. *Ташкилий қисм.*

2. *Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда муомала маданиятининг жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, таракқиётидаги роли ҳақида маълумотлар беради.

3. *"Фикрлар хужуми" ўйинни ўтказиш.*

Бу методдан мақсад, мумкин қадар катта миктордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан холи қилиш, ижодий вазибаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгилдир. Бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўргатади.

Аудитория 5 ёки 6 та кичик гуруҳларга бўлинади. Хар бир кичик гуруҳ хал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 минут давомида мустақил равишда тўғри "Фикрлар хужуми" ўтказилади. Шундан сўнг гуруҳдан бири киши чиқиб ўзларини гоёлари ҳақида ахборот берадилар. Барча гуруҳ эшитиб бўлингандан сўнг ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади ва баҳо берилади.

с

*/ — вазифа:*

*Олдига келганин емак хайвоннинг иши,  
Оғзига келганни демак нодоннинг иши*

А.Навоий

*2 - вазифа:*

*Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айтгил: мен сўзники  
васўз меникидир.*

Кайковус

*3 - вазифа:*

*Қора бошинг ёви қизил тилдир,  
У қанча бошларни еди, яна ҳам ейди.  
Бошим омон бўлсин десанг тилингни эхтиёт қил,  
Тилинг исталган бир кунда бошингни ейди.*

Юсуф Хос Хожиб

*4 — вазифа:*

*Бефойда сўзни айтма ва фойдали сўзни кўп эшитурдан кайтма*

А.Навоий

*5 - вазифа:*

*Суниат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,  
Кўнгли каттиц дилозордан худо безор.*

Ахмад Яссавий

*6 - вазифа:*

*Тил арслон мисоли ётар цафасда,  
Беҳабар бошини у ер нафасда  
Тилидан тутилган не дея, эшит,  
Амал қт бу сўзга, ўзинга эш эт.  
Бало келтиради бошга бу тил  
Сўзингни тийиб юр, бошинг ёрилмаси  
Тилингни тийиб тур, тишинг синмасин.*

Юсуф Хос Хожиб

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТЎҚЛИК САНЪАТИ ФАНИДАМ  
"НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТЎҚЛИК САНЪАТИИШИ  
ХУСУСИТЛАРИ ВА ТУРЛАРИ" МАВЗУИНИ ЗАМОНЛИШ  
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "АГАР МЕН" МЕТОДИ АСОСИДА  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

С Ц Е Н А Р И Й С И

Дарс мавзуси: (амалий машғулот) Нутқ маданияти ва нотўқлик санъатининг хусусиятлари ва турлари

Дарснинг таълимий мақсади: Нутқ маданияти ва нотўқлик санъати предмети - оғзаки ва ёзма нутқни тингловчиларга жонли, ифодали ва таъсирчан етказиш малакасини эгаллаш ҳақида тушунча бериш

Дарснинг тарбиявий мақсади: Нутқ маданияти ва нотўқлик санъати предмети - оғзаки ва ёзма нутқни тингловчиларга жонли, ифодали ва таъсирчан етказиш малакасини эгаллаш ҳақида тушунча беради. Чиройли сўзлаш назарияси - риторика. Тил ва нутқ. Ички ва ташқи нутқ. Тил бойлиги. Нутқнинг аниқлиги маълумот бериш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, нутқ маданиятини инсон ҳаётидаги ўрнини хис қилиш ҳамда қўлай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

Дарсда фойдаланиладиган метод: Ролли занжир метод. "Агар мен "

Дарснинг бориши:

*1. Ташктий қисм.*

*2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади еа бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда жамиятда муомала маданиятининг ўрни уни қўллаш усуллари, ички ва ташқи нутқдан унумли фойдаланиш, тилнинг бойлигидан фахрланиш, нутқнинг аниқлиги ҳақида фикр билдиради.

*3. Ролли ўйинни ўтказиш.*

Бунда 15та талаба қатнашади. Берилган объект сифатида ролга кириб, образга кириб ўқиб берадилар.

Уларнинг нутқлари эшитилгандан сўнг уларга талабаларнинг ўзи баҳо берадилар ўйин охирида ўқитувчи томонидан хулосаланади. Жами бу ўйин орқали 25-30 кишини баҳолаш мумкин

Талабаларни нутқ маданиятини текшириш учун қўйидаги матнларни ифодали ўқиш

«Бозорга тушган эдим. Иш куни бўлишига карамай, о д а м !»

«Маззам йўқроқ, эртага ишга боролмайман; Мазза қилиб дам олинг, яхшилаб соғайиб кетинг, кейин гаплашамиз».

«Ўртоқ рафиқам! Ижозат берсангиз, хушчақчақ хаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда бевосита табрик этишга, бу камчиликларга карамай, турмушимизни аъло даражада олиб бораётганимизга, ҳеч қандай шак - шубҳа бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаш мумкин. *(А. Қахҳор)*».

«Ота уни кўриб қарғишга оғиз очди - ю, лекин қарғайлмади, "Бўйинг узилмасин болам" деб хўнграб юборди. Холинг шу бўлса, аҳволингга вой, эр олмайди, бошимга ёстик бўласан *(А. Қахҳор)*».

«Ҳали юрт сўраб ётганларинг шулар, дегин. ковогини кара, ковоғини. Вей ўша оберган шахарингни шолворингга солиб берай...»

«Чой - чақасини ундан - бундан қилиб, тараласини тортиб юрган Тошпулатинг етти ярим сўлкавойни тагин қайси гўсхўрдан олсин, а, ё бобоғимни сотиб берайми? Ёки сайратмамними? Этигим бўлса-ку, ўн беш кундан бери гаровда, чопонни бўлса ўткан куни кўзингни олдида уч сўлкавойга сотдим. Ўргилдима! қўй энди. Худо ҳақи, галавам айнади.»

«Умед бинан келлим, бозордан куруқ қайтмай дейман, бунга 50 тилло берай; хай денг энди. *(С. Айний)*».

«Йилдан йилга замонани ер ютвотти, эгачи! Эркак - ку, эркак, ёшларни ҳам худо тенг теппасидан уриб, товонидан чиқарвотти, мен сизга қоқиндик! Сизга ёлғон, худога чин, жоним ўргилсин, бир замон теразадан мураласам, бир уй хотин - эркак аралаш! Жоним "хикқ" этди - ю халқумумга келди турди».

«Бунни қарангки, иккам ўттиз йилдан баққа мана шу беҳосият остонаи номуборақда мингдан ортик хотин. Биздақа пешонаси тўмтоқ, шўрпешона қурумсоққа бирортаси ҳам тегмапти - е! Вой сени бекорчиликда яратган худойимдан ўргилай. Бу дейман, бизнинг пешонамизга хотин битишга келганда ё қалами қудратнинг сиёхи адо бўлиб қолган, ё худойимнинг қулоғи биздақа камбағалларнинг орасига жаброил деган бесунақай канотларини тўсиб олганда. Бўлмасам нахот бир кам қирқ йилдан бери хотин сўрашни қилавериб оғзимиз халта бўб кетти - ю, бир алвастигаям учрамасак-а! Ўргилиб қўйдим *(«Майсараниг иши» драмасидан)*».

«Шукурким, ўзлигимизни англай бошлашимиз шахарсозлик соҳасида ҳам маълум ўзгаришлар ясаб, бу худудга эътибор берила бошлади. Сўнгра 3 - 4 йил ичида ҳукуратимизнинг эски шахарни сақлаб қолиш бўйича қарорлари, "махалла" дастури қабул қилинди».

«Адабий асарнинг мазмуни, ундаги ғоянинг олижаноблиги, тасвир этилган одамлар ва ходисаларнинг гўзаллиги ёки хунуклиги - ҳаммаси ўқувчига асарнинг тили орқали етади. Шу сабабли тил соҳасидаги маҳорат ёзувчи қобилиятининг энг ёрқин аломатидир. (Иззат Султон)».

«Тун билан йиғлайди булбул,  
ғунча ҳажри доғида.  
Кўз ёши шабнам бўлиб,  
қолмиш унинг япроғида.

Севги саҳросида қолмиш  
Неча Мажнундан ғубор,  
Неча Фарход гарди ёт.  
Бистуннинг тоғида.

Ғунчадек чехрамда Эркин  
Жон фидо этгай санам,  
қатра қонидин гул унсу  
То муҳаббат боғида.»

*(Э.Воҳидов)*

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ ФАНИДАН  
"ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ВА ЯХШИ СЎЗ ҲИСЛАТИ" МАВЗУИНИ  
"ИЛМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "ФСМУ" МЕТОДИ  
ЛСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

## СЦЕНАРИЙСИ

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) Яхшилик қилиш ва яхши сўз хислати

**Дарснинг таълимий мақсади:** Талабаларга яхшиликнинг зийнати ва ёмонликнинг иллатлари, яхши сўзнинг қудрати, ҳақида маълумот бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларни Чиройли сўзлашнинг ахлоқий функциялари. Нотиқлик санъатида адолат ва ҳақиқат масалалари. Нотиқ шахсига қўйиладиган талаблар ҳақида фикр билдириш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқшунослик мезоний тушунчаси яхшилик ва яхши сўзнинг уйғунлиги уларни инсон ҳаётидаги ўрнини хис қилиш ҳамда қўллай билиш қўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

**Дарсда фойдаланиладиган метод:** ФСМУ

**Дарснинг бориши:**

*/. Ташкилий цисм.*

*2. Талабларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда жамиятда яхшилик ва яхши сўзнинг қудрати уларнинг жамият ҳаётидаги, муомала маданиятидаги, оилавий муносабатлардаги амалий аҳамиятларини ёритиб беришга бағишланганлиги ҳақида фикр билдирилади.

*3. ФСМУ ўйинни ўтказиш.*

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этиш ҳамда ўқув жараёнини бахс - мунозарали ўтказишда қўлланилади. Бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўргатади.

Аудитория 5 ёки 6 та кичик гуруҳларга бўлинади. Уларга ФСМУ нинг 4 та босқичи ёзилган қоғоз ва бахс учун вазиятлар тарқатилади. Вазиятдан келиб чиқиб, улар 4 та босқич бўйича қоғозга ўз фикрларини туширадilar. Гуруҳдан бири киши чиқиб ўзларини фикрини химоя қилади, қолганлари қўшимча қилишлари мумкин. Барча гуруҳ эшитиб бўлингандан сўнг ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади.



- Ф - фикрингизни баён этинг.
- С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
- М - кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг
- У - фикрингизни умумлаштиринг

*1 - вазият:*

Бизга маълумки, барча давр, барча халқлар учун бир хил бўлган яхшиликнинг бўлиши мумкин эмас. У давр, жамият тараққиётига қараб ўзгариб, янги маъно касб эта беради. Яхшилик ва ёмонлик тушунчалар ҳам худди шундай ўзгариб бораверади. Бир пайтлар яхшилик маъносини билдирган ходиса вақт ўтиши билан ёмонликка айланиши ёки тескари бўлиши ҳам мумкин. Инсон тафаккурининг бошқа соҳаларида бўлгани каби ахлоқда ҳам муттасил тараққиёт содир бўлиб туради. Наतिжада яхшилик ва ёмонлик ҳар бир жамиятда ўзига хос характер касб этади. Сизнинг фикрингиз?

*2 - вазият:*

Олдинда ўлим турганини сезишнинг ҳам ейишинг учун кифоядир. Демак, хали ўлим келмаган экан, ўз ғамингни еб қол, одамларга яхшилик қилиш билан номингни яхшилар қаторига қўшиб кет.

Ақли кишида учта хислат бўлади: ўзига берилган саволларга одоб билан жавоб беради, бировдан ёмонлик кўрса ҳам яхшилик қилади, халқи учун фойдали фикрларни олға суради.

*3 - вазият:*

Ўз фурсатида қилинмаган яхшилик - ёмонликка йўл очиши мумкин. Ёмонларни эҳтиёт қилинг! Ёмон йўқ бўлса, яхшининг кадри билинмай қолади! Меҳр - яхшилик, қаҳр - ёмонлик белгиси. Шунақа-ку, мабодо тескариси бўлса-чи? Тасавур қилинг бир ифлос кимса бегунох одамни ўлдириб қўйди. Сиз меҳр кўрғазиб минг ёққа югирдингиз. Бўлган ходисани «тасодифга» йўйиб уни жазодан қутқариб қолдингиз. Эртасига эса у бошқа одамни ўлдирди..Сизнинг меҳрингиз яхшиликка хизмат қилдими, ёмонликками? Дунёда соат қапгиридек тебраниб турадиган ҳақиқатлар ҳам бўлади.

*4 — вазият:*

Биллур гулдон билан тош тўқнашса, тошга бало ҳам урмайди, гулдон синади. Негаки гулдон бағрида гул бор. Яхши билан ёмон тўқнашса, ёмонга балоюм урмайди, яхшининг дили вайрон бўлади. Негаки яхшининг қалбида эзгулик бор.

*5 - вазият:*

Ёмонликка яхшилик билан жавоб берсанг бир хисса савоб оласан. Яхшиликка ёмонлик билан жавоб берсанг, ўн хиса гуноҳга ботасан.

Негаки, бу дунёда ёмонликка яхшилк қиладиганлардан қўра яхшиликка ёмонлик қиладиганлар ўн хисса қўп.

*6 — вазият:*

Бир қуни бир яхши киши кўчадан ўтиб борғонида бир неча ҳаёсиз кишилар орқасидан ямон сўзлар ила сўкиб қолдилар. Бу киши аларнинг сўзини(нг) эшитиб, қўлини қўтариб: «Ё Раб, бу нодонларға ўзинг ақл бергил ва тўғри йўлга солғил!»-деб дуо қилди. Бу холдан хабардор бир киши сўрадики, «Нима учун сиз ул кишиларнинг ҳаққиға яхши дуо қилдингиз?»-деб. Ул киши :»Эй биродар, ҳар ким ўзида борини берур. Менда яхшилик бор эди, шунини бердим, онларда ямонлиғ бор экан, они бердилар. Узингда йўқ нарсани қайдан олиб берурсан, ҳар ким қилганича топар, ямоннинг ямонлиғи ўз бошига етар»,-деб жавоб берди.

*7 - вазият:*

Яхши ҳамсуҳбат худди мушку анбар олиб юрган кишига ўхшайди. Бирга бўлсанг, мушкидан беради ёки ўзинг ундан сотиб оласан, ҳеч бўлмаганда эса, унинг ҳуш бўйидан баҳраманд бўласан. Ёмон ҳамсуҳбат эса, худди темирчининг босқонига ўхшайди: ё кийимингни куйдиради, ёки унинг бадбўй хиди сенга ҳам уриб қолади». Дўст танлашдаги ислом таълимотлари мана шулардан иборат. Улар доимо бизни яхшиликка етаклайди ва ёмонликдан сақлайди.

*8 — вазият:*

Ширинсўзлик ва мулойимликнинг шартларидан бири овозни пастлатиб, майин гапиришдир. Шунинг учун Аллоҳ овозни пастроқ қилиб гапиришга чакириб, қаттик, бақириб гапиришни худди эшшакнинг ханграшига ўхшатади: «Сўзлаганда овозингни пастроқ туширгин, зеро энг ёмон овоз - эшшакнинг овозидир» (Луқмон сураси, 39 оят).

НАФОСАТ            ФАЛСАФАСИ            ФАНИДАН            "НАФОСЛ  
ФАЛСАФАСИНИНГ    МУШТАРАК    МЕЗОНИЙ    ТУШУНЧАЛАЙ  
МАВЗУИНИ    ЗАМОНАВИЙ    ПЕДАГОГИК    ТЕХНОЛОГИЯ  
"МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЗИИИ  
ВА ЎТКАЗИШ

## С Ц Е Н А Р И Й С И

**Дарс мавзуси:** «Нафосат фалсафасининг муштарак мезоний тушунчалари».

**Дарснинг таълимий мақсади:** Талабаларни нафосатшуносликнинг асосий категорияси бўлган гўзаллик тушунчаси билан яқиндан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларни гўзаллик категориясининг инсон, табиат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти билан таништириш орқали уларнинг бадиий ва эстетик тафаккурини юксалтириш, эстетик дидини шакллантириш ва ривожлантириш, гўзалликни хис этиш, ундан ҳайратланиш, унинг моҳиятини моҳиятини тўлақонли англаб етишга оид қарашлар, назариялар, таълимотлар ва гоёлар билан таништиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг эстетик тафаккурини юксалтириш, гўзалликнинг кундалик фаолиятда эстетик идрок этиш, уни хис қилиш ҳамда қўллай билиш қўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

**Дарсни жиҳозлаш:** Инсон, табиат ва жамият ҳаётида гўзалликни акс эттирувчи турли суратлар, картиналар ҳамда мавзуга тегишли мультимедиа дисклари.

**Дарсда фойдаланиладиган метод:** Дидактик ўйин методи (Матбуот конференцияси).

**Дарснинг бориши:**

*/. Ташкилий қисм.*

*2. Талабаларни дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Матбуот конференцияси дарси ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги матбуот конференцияси Нафосатшунослик фанидаги энг муҳим тушунча - гўзалликни эстетик тафаккур тарихидаги ўрнини назарий таҳлил қилиш, унинг инсон фаолияти ва жамият ҳаётидаги амалий аҳамиятларини ёритиб беришга бағишланиши, конференцияда файласуф-жамиятшунос олимлар, санъат ва давлат арбоблари, соҳа мутахассислари, шунингдек, республикамиз оммавий ахборот воситаларининг муҳбирлари иштирок этаётганлигини кайд этади.

### 3. Матбуот конференциясини ўтказиш.

Матбуот конференциясида мухбирлар ролини бажарётган талабалар олимларга қўидага саволлар билан мурожаат этишлари мумкин.

1. Гўзалликнинг асосий унсурларини қайси тушунчалар ташкил этади?
2. Инсоний гўзалликнинг қайси жиҳатлари сизни кўпроқ хайратга солади?
3. Гўзалликнинг фалсафий моҳиятини қандай тушунасиз?
4. Гўзаллик тушунчаси абадийми ёки нисбийми?
5. Эстетик тафаккур тарихида гўзалликни тадқиқ этган олимлардан қайсиларини биласиз?
6. Умар Хайёмнинг «Ақл билан англанидиган гўзаллик кўз билан кўриладиган гўзалликка нисбатан устуворроқдир» деган фикрини қисқача изохлаб берсангиз?
7. Нима деб ўйлайсиз, биз яшаётган ҳозирги жамиятда инсондаги гўзалликда ташқи чирой устун бўлиши керакми ёки ички гўзалликми? Фақат илтимос «Иккаласи уйғун бўлиши керак» деган фикрни билдирмасангиз.
8. Ҳозирги кунда гўзалликни қиймат қасб этувчи механизмга айланганлиги қайси соҳаларда кўпроқ кўзга ташланмоқда?
9. Айтингчи, гўзалликсиз инсон ҳаётини тасаввур этиш мумкинми?
10. Ҳаётингизда гўзаллик «панд берган» ҳолатлар бўлганми?
11. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг гўзалликка дахлдор хусусиятларини кўрсатиб бера оласизми?
12. Гўзаллик тушунчаси билан манфаатдорлик тушунчасини ёнма-ён қўйиш мумкинми?

#### *Машгулотнинг регламенти:*

Ўқитувчининг кириш сўзи	5 минут.
Иштирокчилари билан таништириш	2 минут.
Ҳар бир саволга жавоблар	5 минутдан.
Талабаларни рағбатлантириш ва баҳолаш	10 минут.
Дарсни умумий яқунлаш	3 минут.

#### *Экспертлар учун баҳолаш мезонлари:*

2 - 2,5 = 3 (ўрта)      3,5 - 4=4 (яхши)      4,5 - 5 =5 (аъло)

*Эслатма:* Экспертлар баҳолашда «Нафосатшунос»лар саволларга жавоб беришда ўз фикрларини аниқ, лўнда, илмий ва ҳаётий мисоллар орқали ифодалаш, «Мухбир»лар савол берганда эркин, равон, ишончли ва катъиятлилигига ҳамда ўзини тутиш одобиغا эътибор қаратишлари зарур.

# ЭСТЕТИКА ФАНИДАН ГЎЗАЛЛИК ТУШУНЧАСИ МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "МУНОЗА1-ЛШ1 ДАРС" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

## СЦЕНАРИЙСИ

Дарс мавзуси: Гўзаллик категорияси.

Мақсад ва вазифалари:

-талабаларни нафосатшуносликнинг асосий категориялари билан таништириш;

-талабаларни гўзаллик категориясининг инсон, табиат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти билан таништириш;

-ёшларнинг бадий ва эстетик тафакқурини юксалтириш, эстетик дидини шакллантириш ва ривожлантириш;

-гўзалликни хис этиш, ундан хайратланиш, унинг мохиятини мохиятини тўлақонли англаб етишга оид қарашлар, назариялар, таълимотлар ва ғоялар билан таништиришдан иборат.

Ўқув жараёнининг мазмуни:

-талабаларнинг эстетик тафакқурини юксалтириш;

-гўзалликнинг қундалиқ фаолиятда эстетик идрок этиш;

-уни хис қилиш ҳамда қўллай билиш қўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан.

Ўқув жараёни амалга оширадиган метод: Дидактик ролли ўйин методи. «Матбуот конференцияси»

Кутиладиган натижалар:

-талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш;

-фикрларни эркин баён этишга эришиш;

-жамоа билан ишлаш қўникмасини ҳосил қилиш;

-етакчи (лидерлик) лик қобилиятини шакллантириш.

Келгуси режалар (*тахлил ва ўзгаришлар*)

Дарс услуби ва ташкилий жиҳатларини янгилаш.

Мазкур дарсни талабаларнинг ўзи ташкил этишига эришиш.

«Мунозарали дарс» ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади.

Ўқитувчининг кириш сўзи тугагандан сўнг «Мунозарали дарс»нинг талабаларини тушунтиради. Бу қўйидагилардан иборат:

1. Гуруҳ талабалари контентдан келиб чиққан ҳолда 3 ёки 4 жамоага ажратилади.

2. Жамоа ўзига ном танлайди (жамоанинг номи фалсафий-эстетик маънони англатиши керак).

3. Ҳар бир жамоа ўзининг етакчи-лидерини сайлайди. Жамоанинг фикрини лидер айта олиши мумкин. Қўшимчалар лидернинг фикридан кейин билдирилади.

4. Баҳолашда жамоа аъзоларининг жавобидаги мустақил фикрлаш, илмий асослаш, ҳаётий исботлаш масалалари ҳам ҳисобга олиниши таъкидланади.

*3. «Мунозарали дарс»ни ўтказиш.*

Мунозарали дарсда талабаларга қўйидаги саволлар берилади:

*1-жамоага.* Гўзалликнинг фалсафий моҳияти ва унинг энг муҳим элементларини нарсалар ва маънавий жараёнлар орқали изохлаб беринг?

*2-жамоага.* Эстетик тафаккур тарихида гўзалликни тадқиқ этган олимлардан қайсиларини биласиз?

*3-жамоага.* Умар Ҳайёмнинг «Ақл билан англанидиган гўзаллик қўз билан қўринадиган гўзалликка нисбатан устуворрокдир» деган фикрини изохланг?

*4-жамоага.* Инсоний гўзалликнинг жамият маънавий қиёфасига таъсирини кўрсатиб беринг?

*Машгулотнинг регламенти:*

Ўқитувчининг кириш сўзи	5 минут.
Ҳар бир саволга жамоа етакчиси (лидери)нинг жавоблари	5 минутдан.
Талабаларни рағбатлантириш ва баҳолаш	10 минут.
Дарсни умумий яқунлаш	3 минут.

... > ...

ЭСТЕТИКА ФАНИДАН ЭСТЕТИКА ФАНИНИНГ ТАДКИҚОТ  
ДОИРАСИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ҚАДИМГИ ДУНЕ  
НАФОСАТШУНОСЛИГИ. ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ  
МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ МАВЗУИНИ  
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "ФИКРЛАР  
ХУЖУМИ" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

## СЦЕНАРИЙСИ

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) Эстетика фанининг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари. Қадимги дунё нафосатшунослиги. Ўрта асрлар Шарқ мутафаккирларининг эстетик қарашлари

**Дарснинг таълимий мақсади:** Эстетика - нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан эканлиги ҳақида маълумот бериш. Фаннинг фалсафий моҳияти фикр билдириш. Эстетика фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги ҳақида маълумот бериш: Эстетика ва фалсафа; эстетика ва этика; эстетика ва психология; эстетика ва диншунослик; эстетика ва педагогика; эстетика ва экология .

**Дарснинг тарбиявий мақсади:**

- Талабаларнинг эстетик тафаккурини юксалтириш;  
нафосатли тафаккурнинг вужудга келиши ва таракқиётини, санъатдаги, саноатдаги, турмушдаги, табиатдаги гўзалликнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини талабаларга илмий нуқтаи назардан тушунтириш;  
талабаларда гўзалликка , улуғворликка нисбатан муҳаббат ҳиссини шакллантириш;

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:**

талабаларда гўзалликка , улуғворликка нисбатан муҳаббат ҳиссини шакллантириш;

талабаларга ҳақиқий санъат асарларининг миллат ва жамият ҳаётидаги улкан маънавий ҳодиса эканини уқтириш, уларда санъатни чуқур тушуниш малакасини ҳосил қилиш;

Дарсда фойдаланиладиган метод: "Фикрлар хужуми"

**Дарснинг бориши:**

*1. Тагикилий ҷисм.*

*2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарс ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади ва ўқитувчи амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништиради.

*3. "Фикрлар хужуми" ўйинни ўтказиш.*

Бу методдан мақсад, мумкин қадар катта миқтордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан холи қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни энгишдир.

Бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўргатади.

Аудитория 5 ёки 6 та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 минут давомида мустақил равишда тўғри "Фикрлар хужуми" ўтказилади. Шундан сўнг гуруҳдан бири киши чиқиб ўзларини гоёлари ҳақида ахборот берадилар. Барча гуруҳ эшитиб бўлингандан сўнг ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади ва баҳо берилади.

### */ - вазифа*

Ақл - идрокдан маҳрум бўлган бош - сувсиз чашмага, одобсиз, тарбиясиз йигит - эгар - жабдуксиз отга, шарм - ҳаёсиз хотин - тузсиз таомга, илмига амал қилмаган олим - хушбуй, аммо гули йўқ бўстонга ўхшайди.

*Абул Муъин.*

### *2 ~ вазифа*

Ҳаё — инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

*АбуАли иби Сино*

### *3 - вазифа*

Одамнинг ташки қиёфасига эмас, ички дунёсига эътибор бериш керак. Агар одамнинг ташки қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал бўлса, яшада яхшироқдир.

*Азиз ибн Муҳаммад Насафий*

### *4 - вазифа*

Сизга узатилган ҳамма қўлни тутаверманг, чунки инсон никобидаги неча шайтонлар бордир.

*Жалолиддин Румий*

### *5 - вазифа*

Эй инсон, замон сендан. Сен яхши бўлсанг, замон ҳам яхши бўлади. Агар айнисанг, замон ҳам айнийди.

*Муовия ибн Абу Суфйён*



# ЭСТЕТИКА ФАНИДАН САНЪАТНИНГ ЭСТЕТИК МОХИЯТИ, УНИНГ ТУРЛАРИ, БАДИИЙ ИЖОД ЖАРАЁНИ, САНЪАТКОР ШАХСИ, ШАХСНИНГ ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИ МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "ФСМУ" МЕТОДИ АСОСИДЛ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

## С Ц Е Н А Р И Й С И

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) Санъатнинг эстетик моҳияти, унинг турлари, бадий ижод жараёни санъаткор шахси, шахснинг эстетик тарбияси.

### **Дарснинг таълимий мақсади:**

Санъатнинг вужудга келиши унинг турларга бўлиниши. Санъат турлари: бадий адабиёт, халқ амалий санъати, меъморлик, рассомлик, хайкалтарошлик, театр, мусика, бадий сураткашлик, хаттотлик, эстрада ва цирк, кино, аския, қўшиқчилик ва ракс, нотиклик, кироат санъати. Санъаткор ва жамият. Санъаткор ва миллий ғоя. Санъаткор ва мафкура. Санъат асарларини хиссий ва ақлий идрок этиш. Эстетик тарбиянинг комил инсонни тарбиялашдаги роли. Эстетик тарбиянинг йўналишлари ва воситалари ҳақида маълумот бериш

### **Дарснинг тарбиявий мақсади:**

- Талабаларнинг эстетик тафаккурини юксалтириш;
- нафосатли тафаккурнинг вужудга келиши ва тараққиётини, санъатдаги, саноатдаги, турмушдаги, табиатдаги гўзалликнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини талабаларга илмий нуктаи назардан тушунтириш;
- талабаларда гўзалликка, улуғворликка нисбатан муҳаббат хиссини шакллантириш;

### **Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:**

- талабаларда гўзалликка, улуғворликка нисбатан муҳаббат хиссини шакллантириш;
- талабаларга ҳақиқий санъат асарларининг миллат ва жамият ҳаётидаги улкан маънавий ҳодиса эканини уқтириш, уларда санъатни чуқур тушуниш малакасини ҳосил қилиш;

### **3. ФСМУ ўйинни ўтказиш.**

Ушбу технология мунозарали масалаларни халқ этиш ҳамда ўқув жараёнини баҳс - мунозарали ўтказишда қўлланилади. Бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Аудитория 5 ёки 6 та кичик гуруҳларга бўлинади. Уларга ФСМУ нинг 4 та босқичи ёзилган қоғоз ва баҳс учун вазиятлар тарқатилади. Вазиятдан келиб чиқиб, улар 4 та босқич бўйича қоғозга ўз фикрларини туширадилар. Гуруҳдан бири киши чиқиб ўзларини фикрини химоя қилади, қолганлари

кўшимча қилишлари мумкин. Барча гуруҳ эшитиб бўлингандан сўнг ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади.

ФСМУнинг 4 босқичи:

- Ф - фикрингизни баён этинг.
- С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
- М - кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг
- У - фикрингизни умумлаштиринг

»

### **1 - вазифа**

*"Телевиденж" санъати ва ёшлар*

### **2 - вазифа**

*"Кўшиқчилик" санъати ёшлар.*

### **3 - вазифа**

*"Кино" санъати ва ёшлар.*

### **4 - вазифа**

*"Эстетик тарбия ва комет инсон " муаммоси сизнинг фикрингиз?*

### **5-вазифа**

*Гўзалларнинг юзи кўзгуда гўзал кўринади, инъом ва эхсоннинг гўзаллиги эса фақир ва гариблар ила бишинади.*

Жалолиддин Румий

### **6 - вазифа**

*Гул атри мушкникидаи ортироқдир, цуриб цолса хашакдан фарци йўдир.*

Хусрав Дехдавий

НАФОСАТ ФАЛСАФАСИ ФАНИДАН ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ 3  
КУРС "ФАЛСАФА" "МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ ҲОЯСИ, ҲУҚУҚ ВА  
МАЎНАВИЯТ АСОСЛАРИ" БЎЛИМИ БАКАЛАВР ТАЪЛИМ  
ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА "ЯНГИ ДАВР  
НАФОСАТШУНОСЛИГИ" МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "БУМЕРАНГ" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ  
ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

## С Ц Е Н А Р И Й С И

**Дарс мавзуси:** «Янги давр нафосатшунослиги».

**Дарснинг таълимий мақсади:** Эстетик тафаккур тарихида муҳим ўрин тутган олмон мумтоз нафосатшунослиги билан талабаларни яқиндан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларни олмон мумтоз фалсафасининг йирик вакиллари И.Кант, Г.Гегел, Ф.Шиллер, Г.Шеллингларнинг эстетика назариялари, хиссий ва бадиий идрок, санъат, эстетик дид, санъат асарини бадиий идрок этиш муаммоларига доир қарашлари билан талабаларни таништиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Олмон мумтоз мутафаккирларининг эстетик мероси асосида талабаларнинг эстетик дунёқарашини шакллантириш, нафосат ва эстетик дид муаммоларини таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил этишдан иборатдир.

**Дарсни жиҳозлаш:** ХУИ-ХУШ аср эстетик тафаккурига доир лавҳалар, суъратлар, мутафаккирларнинг санъат, гўзаллик ва нафосатга доир афоризмлари.

Дарсда фойдаланиладиган метод: Дидактик ўйин методи (Бумеранг).

**Дарснинг бориши:**

*1. Ташкилий қисм.*

*2. Талабаларни дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

«Бумеранг» дарси ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги «Бумеранг» технологияси фанидаги энг муҳим тушунча - гўзалликни эстетик тафаккур тарихидаги ўрнини назарий таҳлил қилиш, унинг инсон фаолияти ва жамият ҳаётидаги амалий аҳамиятларини ёритиб беришга бағишланишини кайд этади.

*3. «Бумеранг» технологиясини ўтказиш.*

Талабалар ўз йўналишига қараб, яъни миллий истиклол мафкурасининг асосий ғоялари ҳисобланган «Бунёдкор», «Ватанпарвар», «Бағрикенглик», «Тараққиёт», «Истиклол» каби гуруҳларга ажратилиб, уларга олмон мумтоз мутафаккирларининг нафосатшуносликка доир фикрларидан тузилган саволлар тарқатилади. Талабалар мазкур

фикрларнинг назарий ва амалий аҳамиятини гуруҳ лидери иштирокида баён этишади. Гуруҳ ўз фикрини қатъий ҳимоя қилиши, уни бугунги кун билан таққослаши, ҳаётий мисолар орқали баён этишлари зарур. Саволлар қўйидагилардан иборат бўлади:

*«Бунёдкор» гуруҳи:*

Олмон файласуфи И.Кант санаътни хунурдан ажратиб қарайди:

1). Эркин, 2). Пул топишга қаратилган, ёлланган санаъат. *Мазкур масалага гуруҳнинг фикри.*

*«Тараққиёт» гуруҳи:*

Шиллернинг «Инқилобий ўзгаришлар нафосатга қарши»,- деган фикрини гуруҳ қандай изоҳлайди.

*«Ватанпарвар» гуруҳи.*

Хегелнинг фикрига кўра, «Ўзини тўлиқ эркинликда мушоҳада қилувчи руҳ - санаъатдир». *Гуруҳ бунга қандай муносабат билдиради.*

*«Бағрикенглик» гуруҳи:*

Шопенхауэр санаъатнинг фандан устун эканлигини исботлашга ҳаракат қилган. *Гуруҳушбу фикрга қўшиладими?*

*«Истиклол» гуруҳи:*

Бёрк нимаики қандайдир даражада даҳшатли бўлса ёки даҳшат уйғотса, ўша-нарс-а-ходиса улғворликнинг асосий манбаи ҳисобланади. *Бу фикр эътирозли эмасми?*

*Машғулотнинг регламенти:*

Ўқитувчининг кириш сўзи	5 минут.
Гуруҳларга ажратиш	5 минут.
Ҳар бир саволга жавоблар минут).	5 минутдан (25
Билдирилган фикрларни муҳокама қилиш	20 минут.
Талабаларни баҳолаш	10 минут.
Дарсни умумий яқунлаш ва кейинги машғулот учун вазифалар бериш	5 минут.

*Изоҳ: Дарс якунида экспертлар гуруҳи талабалар билгини 6 балли тизимда баҳолайдилар.*

«ШАРҚ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАФАККУР ТАРИХИ» ФАНИДАН ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ 4 КУРС "ФАЛСАФА" БЎЛИМИ БАКАЛАВР ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА "УП АСРЛАРГАЧА БЎЛГАН ДАВРЛАРДА АХЛОҚИЙ - ЭСТЕТИК ТАЪЛИМОТЛАР" МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "ФИКРЛАР ХУЖУМИ" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

## СЦЕНАРИЙСИ

**Дарс мавзуси:** «УН асрларгача бўлган даврларда ахлоқий-эстетик таълимотлар («Авесто» Ўрта Осиё халқларининг ахлоқий-эстетик ёдгорлиги манбаи сифатида)».

**Дарснинг таълимий мақсади:** Шарқ ахлоқий-эстетик тафаккур тарихида ва дунё цивилизациясида муҳим аҳамиятга эга бўлган «Авесто»нинг ахлоқий ва эстетик моҳияти билан талабаларни яқиндан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** «Авесто»нинг яратилиш тарихи, ундаги илгари сурилган ғоялар, ахлоқий ва эстетик тафаккурни шакллантирувчи омиллар, маъбудлар ва асотирларнинг эстетик тасвирига оид фикр-мулоҳазалар билан талабаларни таништиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** «Авесто»га дунё ҳамжамиятининг эътибори, 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан республикаимизда «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллигининг нишонланишига доир маълумотлар ва унинг ахлоқий-эстетик моҳиятини ўрганиш, тахлил қилиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

**Дарсни жиҳозлаш:** 2001 йилда «Шарқ» матбаа-нашриёт концерни томонидан чоп этилган «Авесто» китоби, «Авесто» китобига қизилган сўзратлар, Зардушт тилидан «Авесто»да битилган хикматли сўзлар.

**Дарсда фойдаланиладиган метод:** Дидактик ўйин метод («Ялпи «Фикрлар хужуми»).

**Дарснинг бориши:**

1. *Ташкилий қисм.*

2. *Талабаларни дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарс ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида дарснинг мавзуси, мақсади ва технологиянинг бориши билан талабаларни таништириб, «Авесто»даги ахлоқий-эстетик тушунчаларнинг назарий ва амалий жиҳатларини тахлил қилишга бағишланишини таъкидлайди.

3. *«Члпи «Фикрлар хужуми» технологиясини ўтказиш.*

Гуруҳдаги барча иштирокчилар 5-6 кишидан иборат жамоаларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо

бўйича 15 дақиқа давомида мустакил равишда ўтказилади.

Шундан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ вақт чиқилган ғоя ҳақида ахборот берадилар ва ўқ! бўлиб унга баҳо берадилар ҳамда улардан энг танлаб олинади.

Жамоа кўйидаги саволлар бўйича фикр-мулоҳ

#### 1-ЖАМОА:

*«Авесто» да маънавий қадриятлар хус  
сурилган эди?*

Йўналтирувчи фикр: Бахтли толей барчг  
показалик йўлидан бориб эришилади - д  
маънавий қадрият сифатида тасвирланади.

#### 2-ЖАМОА;

*«Авесто»нинг «Баҳром-яшт» («вэр  
маббуд (тўғрироғи, фаришта) ўзини бу  
одамлар орасидаги адоват, хусуматн,  
одамзоднинг душманлари бўлган ёмон  
жодугарларни ва сеҳрларни, кавий-каёни  
Қараганларни мағлуб этгувчидирман» дейди*

Йўналтирувчи фикр: Вэртагна-Баҳром \  
марта Ахура-Мазда-Хурмузд яратган чиройл  
хўкиз қиёфасида кўринади. У иккала шохид  
олиб келади. Баҳром-Тоёле юлдузи Зардў!  
тилларанг, узанги, жилови тиллодан гўзал Т  
Гўзал тулпорнинг боши узра Куч ва Кудрат с  
Ахура Мазда яратган мавжудод эканлиги т;  
Баҳром тўртинчи марта Зардўштнинг кўзиг  
турган, юнглиридан либос тикиладиган  
кўринади. «Авесто» инсонга бахт, омад,  
рамзи-Туяни чинаккам, жонли хусусиятл  
нортуя, баҳайбат, баланд коматли, оёқлар  
фаросатли, кўзлари чиройли, эхтиросли, N  
жуда кучли жонивор деб тасвирланади.  
моҳиятини бугунги кун талцинида изоҳланг.

#### 3-ЖАМОА:

*«Авесто» да бахт-иқбол зардўштга ёш ь  
саккиз хил ҳайвонлар Қиёфасида кўриниши  
ҳайвонлар-табиатнинг жонли мавжудод  
барака, куч, қудрат келтиришини анг*

хунук мавжудотлар ҳам олиб келиши мумкинлигини англаш мумкин. бу мавжудотларнинг барчасида гўзаллик, ҳушқадлик, ўткирлик, чакқонлик, жанговорлик, хужумкорлик, хатто ваҳшийлик ҳам бахт-иқболга, фаррга эришув учун зарур сифатлар эканлигини англаш мумкин. «Авесто»даги мазкур гояннинг ахлоқий ва эстетик аҳамияти нимада?

#### **4-ЖАМОА:**

Ахурамаздага мурожаатларнинг бирида инсонларга озор етказмоқни бўлган дилозорлар қаттиқ қораланган: уларга хос кирдикорлар касри ўзларига цайтажаги, бу дунёда эса улар бахт-саодат манзжиге иъл тополмасликлари уқтирилган. Мазкур гояннинг бугунги кундаги аҳамиятини конкрет мисоллар орқали изоҳланг?

#### **5-ЖАМОА:**

«Авесто»нинг 30-карматида айтиишча, ахриманнинг югурдаклари — дев, пари, жин, иблислар, гуноҳлар, ададишлар, алдашлар, ҳасталиклар тимсоли сифатида тасвирланиб, ахурамаздадан одамларни улардан сақлашни илтимос қилади. ахурамазда одамларни ўз истакларида холис бўлиб, бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, гаразгўйлик, ҳасадгўйлик, калондимовлик, шухратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юриш учун интилишга чақиради.». Мазкур ахлоқий қоиданинг фуқаролик жамиятини қуришидаги аҳамияти нимада?

#### **Машғулотнинг регламенти:**

Ўқитувчининг кириш сўзи	5 минут.
Жамоалзрга ажратиш	5 минут.
Ҳар бир саволга жамоанинг жавоблари	5 минутдан (25 минут).
Билдирилган фикрларни муҳокама қилиш	15 минут.
Талабаларни баҳолаш	5 минут.
Дарсни умумий яқунлаш	10 минут.
Технологиянинг натижасини таҳлил қилиш	10 минут.
Кейинги машғулот учун вазифалар бериш	5 минут.

*Изоҳ: Дарс билимдан ва фаол талабалар таркибидан иборат экспертлар гуруҳи талабалар билимини 5 балли тизимда баҳолайдилар.*

ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ ФАНИДАН "ЛПБАР ОТИН ВА НОЗИМАХОНИМНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ УЛЛРНИНГ ЎРТА ОСИЁДА МАЪРИФАТЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИ ШАКИЛЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ" МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПКДАГОГИК ТЕХНАЛОГИЯНИНГ "ФСМУ" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

## С Ц Е Н А Р И Й С И

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) Анбар Отин ва Нозимахонимнинг ахлоқий қарашлари уларнинг ўрта Осийёда маърифатчилик ғояларини шаклланишида ўрни.

**Дарснинг таълимий мақсади:**

Талабаларга жадидчилик ҳаракатида аёлларнинг ўрни, хусусан Анбар Отин ва Нозимахонимларнинг жадидчилик ҳаракатига қўшган ҳиссалари ҳақида маълумот бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Анбар Отин ва Нозимахонимнинг ахлоқий қарашлари уларнинг ўрта Осийёда маърифатчилик ғояларини шаклланишида ўрнини кўрсатиш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, Анбар Отин ва Нозимахоним асарларида келтирилган ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини хис қилиш ҳамда қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

**Дарсда фойдаланиладиган метод:** ФСМУ

**Дарснинг бориши:**

*1. Ташкилий қисм.*

*2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништиради.

*3. ФСМУ ўйинни ўтказиш.*

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этиш ҳамда ўқув жараёнини баҳс - мунозарали ўтказишда қўлланилади. Бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Аудитория 5 ёки 6 та кичик гуруҳларга бўлинади —:рга ФСМУ нинг 4 та босқичи ёзилган қоғоз ва баҳс учун вазиятлар тарқатилади. Вазиятдан келиб чиқиб, улар 4 та босқич бўйича қоғозга ўз фикрларини туширадилар. Гуруҳдан бири киши чиқиб ўзларини фикрини химоя қилади, қолганлари



қўшимча қилишлари мумкин. Барча гуруҳ эшитиб бўлингандан сўнг ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади.

ФСМУнинг 4 босқичи:

- Ф — фикрингизни баён этинг.
- С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
- М - кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг
- У - фикрингизни умумлаштинг

/ - *еазифа*:

Анбар Отин «Қаролар фалсафаси» да (парча олинган мазкур ғазал ҳам ўша асардан) дин ва тасаввуф масалаларига, бир неча ўринда алоҳида тўхтайтиди. Шулардан бирида жаҳолатдан ва қоқоқликдан қутилиш йўлини динга замонавий муносабатда бўлишда деб билади ҳамда бу борадаги қарашини қатъий шаклда баён қилади: *«Давлат ишини дини исломдин йироқ тутинг ва фуқарога тақя қилмоқ та йўл тутмагон ҳукмрон бод фурсатдаҳалоқатга дучор бўлмоғимуқаррардур...»*

2 - *вазифа*:

Анбар Отин «Қаролар фалсафаси» да бундай мустамлақачилик сиёсатини, халқнинг алданганлигини қуйидагича ифодалайди:

*«Ўрус келди!» овозани англаб, барча маърифат аҳли ўйладики, подшоҳ, албатта динга пешво ва тарафдор бўлур, дин ишини ривож берур, халқни тарбия қилур, деб ақида қилдилар. Аммо ўрус подшоҳ мусулмонларга заррачайинки ҳаловат бермади, сарт хирошга рус хирош қўлида бепармо ҳукмронлик ила ўз қабобини пишируб айшу нишот бирладур*

3 — *вазифа*:

Анбар отин ўз асарида башорат қилади *"Бир замонлар булурки, қамини муштипар қабил мазлумалар олижаиоб, орзу қилгондин зиёда бўлур, тамоми мазлумалар яхши кун кўруб, яхши либос қийиб, тинч рўзгор ўтказгон сабаб, аларни авлоди хатарсиз таваллуд ўлуб, яхши парвариш топуб, хушрўй ва хушхўй, ботамиз ва ватандўст бўлуб қамолга етар. Ул замонда борча халқ соҳибжамол бўлур... , ул замонда аёллар ҳар қанчахусн ва латофат ила озод юрурлар ва аларга ҳеч қиши ола қўз ила ёмон назар солмас*

4~*вазифа*:

Нозимахонимнинг "Аё маҳқумалар..." шеъри алоҳида аҳамиятга эга, ундаги дадиллик, эрка бўлган ҳурмат ва интилиш қучли даъват оҳанги билан. йўғрилган сатрларда ўзининг ахлоқий-эстетик ифодасини топган.

# 1

*Боцингким, ўзга мишат цизлари на ерга етмуш,  
Ўцуб илму хунарларни, ки ҳикмат сирларини билмуш,  
Билибўз эътиборин ҳам ҳуқуқини таниб олмиш,  
Асрлар элтгон ул бидъат уйқусидин уйгонинг !  
Очиб юз маърифат сари, этинг барбод хурофотни,  
Билинг ул уфалик дугоналар енгмуш жаҳолатни,  
Олиб эркин нафас, онлар қилиб дафъи залолатни,  
Асрлар элтгон бидъат уйқусидин уйгонинг!*

## 5 — вазифа:

Анбар отиннинг фикрича Зулм йўқолиши билан ахлоқийлик даражаси  
қўл кўсалади, ўзаро муносабатларда инсоф ва адолат қарор топади, хотин -  
Қизларга муносиб ҳурмат-эҳтиром пайдо бўлади:

*"Ул замонда одам ахлоқи ул даражага етурки, хуруси миждоз гала  
хотунлик русумиши тарк этар ва ҳар эр битта хотун ила фароғатвор кун  
кесчиргай....*

*ул вақт цизлар илми дунёвий тахсилага муяссар бўлуб, урфон тартида  
царортониб, эллар ва улуглар доҳил бўлурлар, алар гайрат ва меҳнатда  
>рларга ҳамфо ва ёвар бўлуб, обрў топиб, ҳурмат ва иқромга сазовор  
бўлурлар.*

ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ ФАНИДАН "ЎРТА ОСИЁДА МАЪРИФАТЧИЛИК ҲОЯЛАРИНИ ШАКИЛЛАНИШИДА МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ" МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "АГАР МЕН" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТҚАЗИШ

## СЦЕНАРИЙСИ

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) Ўрта Осиеда маърифатчилик ҳояларини шаклланишида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўрни ва роли

**Дарснинг таълимий мақсади:** .

Ўрта Осиеда маърифатчилик ҳояларини шаклланишида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўрни ва ролини кўрсатиб бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларнинг тафаккурини юксалтириш, уларга жадидчилик ҳаракатининг ахлоқий-эстетик моҳияти ҳақида маълумот бериш ҳамда жадидчиликнинг вужудга келиши ва унинг миллий уйғониш ҳаракати сифатидаги аҳамиятини очиқ беришдан иборат. Буюк мутафаккир жадидлар ва уларнинг асарларини бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикр бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:**

- жадидчилик ҳаракатидаги миллий ҳоя ва мафқуранинг инсонпарварлигини кўрсатиб бериш;
- Туркистон маърифатчи жадидлари нафосат ҳамда ахлоқ илминининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш;
- теат санъатининг пайдо бўлиши ва ўша давр учун унинг аҳамияти хусусида маълумот бериш.

**Дарсада фойдаланиладиган метод:** Ролли занжир методи. "Агар мен

**Дарснинг бориши:**

*1. Ташкилий қисм.*

*2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очиади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништиради.

*3. Ролли ўйинни ўтказиш.*

Бунда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" ёхуд ўқимаган боланинг холи пёсаси танлаб олинган. Берилган объект сифатида талабалар ролга кириб образларни ижро этиб берадилар. Хулоса қисмида ахлоқий ҳамда эстетик жиҳатдан изохлаб берадилар. Автор ролини ўқитувчи ижро қилади

Ўйин охирида ўқитувчи томонидан хулосаланеди. Жами бу ўйин орқали 25-30 кишини бг солаш мумкин,

*Роллар:*

1. Бой
2. Тошмурод - бойнинг ўғли.
3. Домла- янги фикрлик мулло йигит
4. Зиёли - ўрусча ўқиган миллатчи мусулмон.
5. Ҳайрулла - бойнинг мирзо ва махрами.
6. Тангрикул - бойнинг қотили.
7. Давлат
8. Нор - бўз болалар.
9. Лиза - рус хотин.фохиша
10. Артун - армани майхоначи.
11. Приступф - икки политсайский
12. Бойбучча- бойнинг хотуни.

НАФОСАТ ФАЛСАФАСИ ФАНИДАН ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ 3  
КУРС "ФАЛСАФА" "МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ, ХУҚУҚ ВА  
МАЊНАВИЯТ АСОСЛАРИ" БЎЛИМИ БАКАЛАВР ТАЪЛИМ  
ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА "НАФОСАТ  
ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСИЙ МЕЪЗОНИЙ ТУШУНЧАЛАРИ»  
МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ  
"МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ» МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ  
ВА ЎТКАЗИШ

## С Ц Е Н А Р И Й С И

Дарс мавзуси: "Нафосат фалсафасининг асосий меъзоний тушунчалари».

**Дарснинг таълимий мақсади:** Талабаларни нафосатшуносликнинг асосий категорияси бўлган гўзаллик тушунчаси билан яқиндан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларни гўзаллик категориясининг инсон, табиат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти билан таништириш орқали уларнинг бадиий ва эстетик тафаккурини юксалтириш, эстетик дидини шакллантириш ва ривожлантириш, гўзалликни хис этиш, ундан хайратланиш, унинг моҳиятини моҳиятини тўлақонли англаб етишга оид карашлар, назариялар, таълимотлар ва ғоялар билан таништиришдан иборат.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг эстетик тафаккурини юксалтириш, гўзалликнинг кундалик фаолиятда эстетик идрок этиш, уни хис қилиш ҳамда қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантиришдан иборат.

**Дарсни жиҳозлаш:** Инсон, табиат ва жамият ҳаётида гўзалликни акс эттирувчи турли суратлар, картиналар ҳамда мавзуга тегишли мультимедиа дисклари.

**Дарсда фойдаланиладиган метод:** Ҳамкорликда ўқитиш методи (Матбуот конференцияси).

**Дарснинг бориши:**

1. *Ташкилий қисм.*
2. *Талабаларни дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Матбуот конференцияси дарси ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги матбуот конференцияси Нафосатшунослик фанидаги энг муҳим тушунча - гўзалликни эстетик тафаккур тарихидаги ўрнини назарий таҳлил қилиш, унинг инсон фаолияти ва жамият ҳаётидаги амалий аҳамиятларини ёритиб беришга бағишланиши, конференцияда файласуф-жамиятшунос олимлар, санъат ва давлат арбоблари, с' ;а мутахассислари, шунингдек, республикамиз

оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари иштирок этаётганлигини қайд этади.

### 3. Матбуот конференциясини ўтказиш.

Матбуот конференциясида мухбирлар ролини бажараётган талабалар олимларга қўйидаги саволлар билан мурожаат этишлари мумкин.

13. Гўзалликнинг асосий унсурларини қайси тушунчалар ташкил этади?
14. Инсоний гўзалликнинг қайси жиҳатлари сизни кўпроқ ҳайратга солади?
15. Гўзалликнинг фалсафий моҳиятини қандай тушунасиз?
16. Гўзаллик тушунчаси абадийми ёки нисбийми?
17. Эстетик тафаккур тарихида гўзалликни тадқиқ этган олимлардан қайсиларини биласиз?
18. Умар Ҳайёмнинг «Ақл билан англонадиган гўзаллик кўз билан кўриладиган гўзалликка нисбатан устуворроқдир» деган фикрини қисқача изоҳлаб берсангиз?
19. Нима деб ўйлайсиз, биз яшаётган ҳозирги жамиятда инсондаги гўзалликда ташқи чирой устун бўлиши керакми ёки ички гўзалликми? Фақат илтимос «Иккаласи уйғун бўлиши керак» деган фикрни билдирмасангиз.
20. Ҳозирги кунда гўзалликни қиймат қасб этувчи механизмга айланганлиги қайси соҳаларда кўпроқ кўзга ташланмоқда?
21. Айтингчи, гўзалликсиз инсон ҳаётини тасаввур этиш мумкинми?
22. Ҳаётингизда гўзаллик «панд берган» ҳолатлар бўлганми?
23. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг гўзалликка дахлдор хусусиятларини кўрсатиб бера оласизми?
24. Гўзаллик тушунчаси билан манфаатдорлик тушунчасини ёнма-ён қўйиш мумкинми?

*Эслатма:* Талабалар мазкур саволларга жавобларни аввалдан тайёрлайдилар. Жавобларга тайёргарлик учун ўқитувчи талабаларга қисқача тарқатма материал тайёрлайди, зарурий адабиётларни тавсия этади ва қисқа “репитиция” ўтказиши.

### Бериладиган саволлар тартиби ва тақсимооти

№	Бериладиган саволлар	Саволни берадиган талаба
1	Гўзалликнинг фалсафий моҳиятини қандай тушунасиз?	

*Машгулотнинг регламенти:*

Ўқитувчининг кириш сўзи	5 минут.
Иштирокчилари билан таништириш	2 минут.
Ҳар бир саволга жавоблар	5 минутдан.
Талабаларни рағбатлантириш ва баҳолаш	10 минут.
Дарсни умумий якунлаш	3 минут.

•

НАФОСАТ ФАЛСАФАСИ ФАНИДАН ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ 3  
**КУРС "ФАЛСАФА" "МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ, ҲУКУҚ ВА  
МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ" БЎЛИМИ БАКАЛАВР ТАЪЛИМ  
ИЎПАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА "ЭСТЕТИК ТАФАККУР  
ТАРИХИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ» МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ  
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "ГУРУХЛАР БИЛАН ИШЛАШ»  
МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ**

## СЦЕНАРИЙСИ

Дарс мавзуси: Эстетик тафаккур тарихининг асосий босқичлари.

Дарснинг таълимий мақсади: талабаларни эстетик тафаккур тарихининг муҳим жиҳатлари, нафосат фалсафасига доир мутафаккирларнинг фикрлари билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: талабаларни файласуф-эстетик алломалар билан таништириш орқали уларнинг нафосат фалсафаси муаммоларига доир фикрлари, қарашларининг тарбиявий аҳамияти, нафосат фалсафаси фанининг мезоний тушунча ва тамойилларига ҳосил илмий хулосалар таълимотлар ва ғоялар билан таништиришдан иборат.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: талабаларнинг эстетик тафаккур тарихи билан яқиндан таништириш, мустақил фикр юритиш, илмий-назарий хулосалар чиқариш ва муаммоларга танқидий ёндошишга йўналтирилган жараёни мустаҳкамлашдан иборат.

**Дарсни** жиҳозлаш: флипчарта, рангли қоғозлар, алломаларнинг хикматли сўзлари ҳамда мавзуга тегишли мультимедиа дисклари.

Дарсда фойдаланиладиган технология: Ҳамкорликда ўқитиш технологияси (Гуруҳлар билан ишлаш).

### **Дарснинг бориши:**

*1. Ташкилий қисм.*

*2. Талабаларни дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарс ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништиради. Ўқитувчи аудиториядаги талабаларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда 4,5,6 та талабадан иборат гуруҳларга бўлади ва уларга саволларни тақдим этади. Гуруҳ иштирокчилари саволларга оғзаки тарзда жавоб тайёрлайдилар. Саволлар ўтилган мавзулар юзасидан бўлиб тахминан кўйидагича берилади:

**САВОЛ:** «Авесто» готларида гўзаллик ҳақидаг <sup>^</sup>савур илоҳий нуктаи-назардан адлликка, мезонийликка, мутаносибликка яъни уйғунлик тушунчасининг илк ибтидоий кўринишларига бориб тақалади. Зардушт готларда ўз илоҳи Ахура Маздани шарафлагани ва бу шарафлаш «меъзонсиз эмас, балки меъзоний сўзлар билан» амалга оширини алоҳида



таъкидлайди. Сўз гўзаллигини мукаддаслаштириш аввало, «Гот»лар шаклида бадийлашган сўзни эътикод рамзи сифатида талқин этиш «Авесто» эстетикасида муҳим роль ўйнаганлигини шарҳлаб беринг.

*САВОЛ:* Санъат Сукротнинг фикрига кўра, тақлид орқали ҳаётни инъикос этиришдир. Лекин, бундай тақлид асло нусха кўчириш эмас. Сукрот ҳайкалтарош Пираций билан бўлган суҳбатида санъаткор инсонни, табиатни, воқеликни умумлаштириш орқали қайтадан жонлантиради. Ҳайкал ҳам, яъни тош ҳам бошқа санъат турларидаги каби «қалбнинг холатини», инсоннинг руҳий-маънавий қиёфасини акс этириши керак. Сукротнинг «Ахлоқий иделларгина инъикос этиришга лойиқдир» деган фикрини санъат асаридан олинган мисоллар орўали баён этинг.

*САВОЛ:* Санъат ифода шакллари ичида бир варакайга ранг-баранглик, мукамаллик ва жонлилик хусусиятларига эга. Умумжаҳоний динларнинг санъат билан ҳамкорлиги диний-бадий асар, диний бадий рамз ва диний бадий қонун каби тушунчалар орқали намоён бўлади.

Мазкур тушунчаларнинг Ислоҳ динида акс этишини мисоллар ёрдамида кўрсатиб беринг.

*САВОЛ:* Олмон нафосатшуноси Иммануил Кант гўзалликдан олинадиган лаззат - сифатнинг, улугворликдан олинадиган лаззат - микдорнинг намоён бўлиши билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб, улугворликни иккига ажратади: математик ва динамик. Бироқ, «Ҳақиқий улугворлик.-дейди Кант,-бу ақл, инсоннинг ахлоқий табиати, ҳиссий англаш чегарасидан нариги томондаги нимагадир интилишдир. Ҳақиқий улугворликни киши ўалбидан излаш керак». Кантнинг мазкур фикрини кенгроқ изоҳланг.

*САВОЛ:* Олмон файласуфи Фридрих Шиллер (1759-1805) жамиятни инқилобий ўзгартиришга қарши чикқан эди. Шиллернинг назарида, инқилоб аввало. Ахлоқсизлик, у асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий тамойилларни, ағдар-гўнтар қилиб ташлайди. Инқилоб нафосатга қарши бўлиб, инсон табиатидаги уйғунликни бузади, нарса мавжудлиги табиий тартибининг мукаддаслиги ва гўзаллигини парчалаб юборади. Шу боисдан жамиятни ўайта қуришдан аввал инсонни қайта қурмоқ лозимлигини айтади. Шунингдек, «Ҳиссий гўзаллик - маънавийликка, маънавийлик эса - моддийликка олиб боради»,-дея таъкидлайди. Мазкур фикрларга жамоа қандай муносабат билдиради?

*САВОЛ:* Эстетик муносабатдан бошқа барча муносабат турлари инсон «аклини таниганидан» сўнг, яъни гўдаклик давридан ўтгандан кейин воқе бўлади. Инсон моддий бойлик яратишдан маҳрум бўлган ҳам эстетик муносабат туфайли то ўлгунига қадар ўз маънавиятини бойитишни йўқотмайди.

Эстетик муносабатнинг кенг қамровлиги ва унинг бир умрли маънавий ходиса сифатидаги аҳамиятини бадий асар ёки санъат асари орқали кўрсатиб беринг

*( ЛНОЛ: Эстетик дид тушунчасининг ўзига хослиги шундаки, у бир ҲОМОНДН идрок, фахм, фаросат каби илдизи ақлга бориб тақалса, ИККИНЧИДАН, ўзининг эхтирос, хис-ҳаяжон, субъектив баҳолаш хусусияти билан улардан ажралиб туради. Шу сабабли биз дид ҳақида кшпрганимизда одатда эстетик дидни - инсондаги гўзаллик, улўғворлик, (юживийлик сингари эстетик хусусиятларни, умуман нафосатни идрок нмМl қобилиятини назарда тутамиз.*

Эстетик дидни эстетик баҳо ва эстетик идеал билан боғлиқлигини табиат ва инсон муносабатлардаги жараёнлар орқали кўрсатиб беринг.

*САВОЛ: Санъат турлари бир-бирининг ўрнини боса олмайди, уларнинг ҳар бири мустаил, ўзича нодир ва бетакрор бўлиб, воқеликнинг бир томонини бевосита акс эттиради. Масалан, бадиий адабиёт ҳаётни ҳаётни кенг ва теран акс эттиришда, инсон рухий-ақлий томонларини очиб беришда тенги йўқ санъат тури бўлса-да, инсон хис-туйғулари сезгилари кирраларини ифодалашда мусика ва тасвирий санъатнинг ўрнини боса олмайди.*

Худди шундай хусусият театр санъати ва кино санъатида ҳам кузатилади. Ушбу ҳолатнинг эстетик хусусиятларини кўрсатиб беринг.

*САВОЛ: Гўзалликнинг бутун моҳиятини очиб берувчи ягона таъриф мавжуд эмас. Бирок, гзалликнинг идрок этилиши, табиатда намоён бўлиши, санъатда акс этиши ҳамда унинг жамият ривожига таъсири ҳақида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар, яратилган таълимотлар ўзининг салмоғи билан муҳим аҳамият касб этади. Инсон ва унинг рухий, ахлоқий, эстетик фаолияти, табиат ва ундаги ходисалар, жамият ва унда рўй бераётган ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий жараёнлар гўзалликка ёндошувнинг тарихан таркиб топган асосий объектларидир. Бу объектларда гўзалликнинг намоён бўлишига доир мисолларни реал қаёт билан боғланган ҳолда кўрсатиб беринг.*

*Гуруҳларга бўлинган тапабаларга саволлар қуйидаги кўринишда берилган цогозларда тақдим этилади:*

Гуруҳнинг номи \_\_\_\_\_

Гуруҳнинг сардори \_\_\_\_\_

Гуруҳнинг жавобида қуйидагилар акс этиши лозим:

-фикрлар илмий асосга эга бўлиши;

-фикрларни қатъий ҳимоя қилиши;

-танқидий фикрлар орқали баён этиши;

-фикрлар реал ҳаётнинг мисоллар билан ифодаланиши лозим.

### БАХОЛАШ МЕЗОНИ

*Баҳолаш учун максимал балл - 9 балл.*

№	Гуруҳ аъзоларининг Ф.И.Ш.	Олган баллари
1		
2		
3		
4		
5		

#### **МАШҒУЛОТНИНГ РЕГЛАМЕНТИ:**

Ўқитувчининг кириш сўзи	5 минут.
Метод билан таништириш ва гуруҳларга бўлиш	10 минут.
Ҳар бир гуруҳнинг саволга жавоблари (гуруҳлар сонига қараб)	7
минутдан.	
Муҳокама учун	10 минут.
Дарсни умумий якунлаш ва гуруҳ талабаларини баҳолаш	10 минут.

ПЛФОСАТ ФАЛСАФАСИ ФАНИДАН ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ 3  
ЎЎ "ФАЛСАФА" "МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ, ХУҚУҚ ВА  
ИЛЛ.ПЛВИЯТ АСОСЛАРИ" БЎЛИМИ БАКАЛАВР ТАЪЛИМ  
и ПЛЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА "НАФОСАТ  
ФАЛСАФАСИНИНГ МУШТАРАК МЕЗОНИЙ ТУШУНЧАЛАРИ  
.1 \ ПН 'ОРИЯЛАРИ» МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК  
П \ І ЮЛОГИЯНИНГ "САВОЛ-ЖАВОБ» МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ  
• ППІІІ ВАЎТКАЗИШ

Дарс мавзуси: Нафосат фалсафасининг муштарак мезоний  
Тушунчалари (категориялари).

Дарснинг таълимий мақсади: талабаларни нафосат фалсафаси  
ВСОСий категорияларининг назарий асослари ва амалий аҳамияти билан  
таништириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: гўзаллик ва хунуклик, улугворлик ва  
губанлик, фожевийлик ва кулгулилик тушунчаларнинг фалсафий моҳияти,  
тапабаларнинг ушбу тушанчалар хақидаги дунёқараши, айникса, гўзаллик  
ва улугворликнинг инсон камолотидаги ўрни масалапарини хаётий  
мисолар орқали ёритиб бериш ва кейинги фаолиятларида қўллай билиш  
қўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: нафосат фалсафасининг  
мезоний тушунчаларига назарий ёндошиш, уларнинг амалий аҳамиятини  
изохлаш, бу тушунчаларнинг кундалик фаолиятдаги заруриятини  
тушунтириш ва бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Дарсни жихозлаш: флипп карта, рангли қоғозлар, алломаларнинг  
хикматли сўзлари ҳамда мавзугатегишли мультимедиа дисклари.

Дарсда фойдаланиладиган технология: Муаммоли ўқитиш  
технологияси (Савол-жавоб).

Дарснинг бориши:

1. *Ташкилий қисм.*

2. *Талабаларни дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан  
таништириш.*

Дарс ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида  
дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништиради.  
Ўқитувчи аудиториядаги талабаларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда ҳар  
бир талабага ўтилган мавзу бўйича биттадан савол тайёрлаб келади.

"Қутилмаган савол" методи қуйидаги тартибдаўтказилади:

#### **ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:**

1. Мавзу бўйича ўқитувчи томонидан тайёрлаб челинган саволларни  
талабаларнинг ўзлари танлаб олишади.

2. Ўқитувчи талабаларга 1 дан 4 гача бўлган рақамлардан хоҳлаган  
бирини танлаган саволининг теппасига ёзиб қўйишларини айтади.

3. Талабанинг танлаган раками гурухнинг қайси талабасида такрорланган бўлса (бир хил рақам 3, 4 ҳатто 6 та талабада ҳам бўлиши мумкин), у ўша талаба (лар) билан савол-жавобга киришади.

#### *ТАЛАБЛАР:*

1. Гуруҳда нечта талаба бўлса мавзу юзасидан тайёрланган саволлар ҳам шунча бўлиши лозим.
2. Саволлар бир хил бўлмаслиги керак.
3. Аудиторияни ўқитувчининг ўзи бошқариши шарт.
4. Савол-жавобни тартиб ва интизомга асосланган ҳолда ташкил этиш зарур.

#### *КУТИЛАДИГАН НАТИЖА:*

1. Кўпчилик талабаларни баҳолаш имконияти бўлади.
2. Гуруҳни 1 ёки 3 га бўлишга ҳожат олмайди.
3. Талаба аслида ким ва қандай билимга эга эканлиги талабалар олдида ошқора кўрсатади.
4. Талабаларда «таниш-билишчилик» ва олдиндан тайёр савол бериш имконияти бўлмайди.
5. Берилган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади.
6. "Тайёр эмасман" дегак баҳонага йўл қўйилмайди.
7. Гуруҳда фаолликни оширади.
8. Талабалар бир-бирларини холис баҳолашга ўрганади.
9. Талабани фикрлашга, ўйлашга ўргатади.

#### *Саволлар тахминан қуйидаги мазмунда берилади:*

Нафосат фалсафасининг асосий категорияларини шарҳлаб беринг?  
Нима учун гўзаллик бошқа категориялар учун асос вазифасини бажаришини тушунтиринг?

"Гўзаллик нима?" деган савол билан "Нима гўзал?" деган саволга жавобингизни ҳаётий мисоллар орқали изоҳлаб беринг?

Н.Г.Чернишевскийнинг «гўзаллик - бу ҳаётдир» деган фикрига муносабатингизни билдиринг? ва ҳоказо...

ЛҲЛОҚ ФАЛСАФАСИ ФАНИДАН ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ 2  
| IV "ФАЛСАФА" "МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ, ХУҚУҚ ВА  
МЛ.ИИ АВИАТ АСОСЛАРИ" БЎЛИМИ БАКАЛАВР ТАЪЛИМ  
ПАНЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА "АҲЛОҚ ФАЛСАФАСИНИНГ  
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ" МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК  
ПЕДАГОГИЯНИНГ "БУМЕРАНГ" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ  
УЎТҚАЗИШ

## С Ц Е Н А Р И Й С И

**Дарс** мавзуси: (амалий машғул) Ахлоқ фалсафасининг асосий тушунчалари.

Дарснинг таълимий мақсади: Ахлоқ фалсафасидаги фазилат ва иллат атамаларининг кутб тушунчалар сифатидаги моҳияти. Ахлоқ фалсафаси тушунчаларини таснифлаштириш муамоси. Муҳаббат ахлоқшуносликнинг энг камровли мезоний тушунчаси - категорияси сифатида; муҳаббат ва нафрат. Эзгулик мезоний тушунчаси; эзгулик ва ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик, эзгулик ва ёвузлик. Яхшилик тушунчаси ва унинг эзгуликдан фарқи; яхшилик ва ёмонлик. Адолат; бурч; виждон; номус; идеал; ҳаётнинг маъноси; бахт тушунчалари. Уларнинг инсон ахлоқий ҳаётидаги ўрни. ҳақида маълумотлар бериш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини ҳис қилиш ҳамда қўллаш билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантириш, инсон ахлоқий ҳаёти ҳамда баркамоллигида уларнинг аҳамиятини тушунтиришдан иборат.

**Дарснинг** ривожлантирувчи мақсади: Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини инсон ҳаётидаги ўрнини ҳис қилиш ҳамда қўллаш билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантириш, уларнинг ахлоқий фаолиятга таъсирини тушунтиришдан иборат.

Дарсда фойдаланиладиган метод: "Фикрлар ҳужуми"

### **Дарснинг бориши:**

*1. Ташққий қисм.*

*2. Талабаларни амалий машғулнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда ахлоқий тушунчаларнинг моҳияти, таракқиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, ахлоқ ахлоқий тушунчалар, меъёрлар ва тамойиллари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ижтимоий заруриятлиги ҳақида маълумотлар беради.

*3. "Фикрлар ҳужуми " ўйини ўтқазил.*

Бу методдан мақсад, мумкин қадар катта миктърдаги ғояларни йиғиш, талабаларни айни бир хил фикрлаш тарзидан холи қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида эркин фикрни эркин ифодалаш тарзида

мунозаралар олиб бориш, мустақил фикрлай олиш ҳамда уни тўғри ифодалай билиш, ўз фикрни ҳимоя қила олиш ва шу билан бошқаларга фикрини ҳурмат қилиш, танқидий муносабатга кириша олиш, ёки муносив тарзда қабул қилиш билан бирга бахслашиш маданиятини ўргатади.

Аудитория 5 ёки 6 та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 минут давомида мустақил равишда тўғри "*Фикрлар ҳужуми*" ўтказилади. Шундан сўнг гуруҳдан бири киши чиқиб ўзларини ғоялари ҳақида ахборот берадилар. Барча гуруҳ эшитиб бўлингандан сўнг ўқитувчи томонида муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади ва баҳо берилади.

#### *1 - вазифа:*

Ҳожа Аҳрор Валийнинг: «Мардлик улдурки, ҳар ким санга ёмонлик қилса, ўрнига яхшилик қил! Ва ҳар ким сандин узулса, ёпушғил! Ва ҳар ким сани ноумид қилса, анга эҳсон қил!», деган сўзларини қандай тушунасиз?

#### *2 - вазифа:*

Ҳожа Аҳрор Валийнинг: «Агар хоҳласанки, бировни дўсту душманлигини биламан десанг, ўзингни кўнглунга қарағил. Агар ани яхши кўрсанг яхши кўрар ва ямон кўрсанг ямон кўрар» фикрларини қандай изоҳлайсиз?

#### *3 — вазифа:*

Жалолиддин Румийнинг: "Яхшилик ва ёмонлик ўртасида деярлик фарқ йўқ", деган таърифини қандай изоҳлайсиз?

#### *4 - вазифа:*

Фойербахнинг: Мухаббат бўлмаган жойда ҳақиқат ҳам йўқ. Кимда-ким бахтга интилмаса, демакки у бахтсизлик нималигини билмайди. Бахтсизлик нима эканлигини билмаган одам бахтсизларга нисбатан шафқат ҳиссини туймайди.

#### *5 — вазифа:*

Фойербахнинг. Агар инсон ачиниш ва шафқатни чуқур ҳис қилган ҳолда, бировни бахтсиз қилиб кўяётганини англаб туриб ёмонлик қилса, унда виждон йўқ. Агар бу виждон ёмонлик қилиб бўлгандан кейин уйғонса, демак бу виждон ёвузлик табиатига эга. Зеро соф виждонгина инсонни бахтли ҳис қила олишга сабаб бўлади.

#### *6 — вазифа:*

Фойербахнинг: Виждондан чиқаётган овоз менинг ичимдан ёки борликдан таралаётган ғайриоддий куч эмас, балки мен азоблаган инсоннинг овозидир. Зеро бировга ёмонлик қилиб мен аввайо ўзимга ёмонлик қиламан.

### *7-вазифа:*

Фойербахнинг: Ҳақиқий ахлокли инсон табиатан ахлокли  
Н! чмдпр.Инсоннинг моҳияти «мен шуни қилишим керак» эмас, балки  
•| н шуни истайман» дан иборат бўлиши лозим бўлиши лозим.

### *8 — вазифа:*

Фойербахнинг: Бахт? Йўқ, адолатпарварлик. Ўзаро ёки .икки  
ССММ шама адолатлилик бу бахт!

### *9 - вазифа:*

Иммануэл Кант: Бола тарбиясида диндан олдин ахлоқни ўстириш  
ПОВМ Акс холда иккиюзламачи ва айёр одам шаклланади. Аввал ботиний  
Оурчларни такомиллаштириб олиб кейин ташқи бурчга эътибор бериш  
лозим.

### *10 — вазифа:*

Нишценинг: Фақатгина эзгуликкина окловга муҳтождир... Бир кун  
айнан ахлоқийликни назарда тутибгина эзгулик қилишни тўхтатиб  
қўядирлар.

### *11 - вазифа:*

Макс Шелернинг Достоевскийнинг Ака-ука Карамазовлар номли  
романи хусусида шундай дейди: «*Бу ёруғ оламда севгини инсондан бўлак  
ўзга нарсаларга сарф этмоқ учун муҳаббат шундоқ ҳам камлик қилади.*  
Буни қандай талқин қила оласиз?

### *12 - вазифа:*

Ғаззолийнинг: «Инсонларнинг кўзидан ғафлат пардалари олиб  
ташланса, ҳақиқатларга басират кўзи билан боксалар, афсуски, бир  
қанчалари ўз нафсларини бутга айлантириб сиғинаётганларини кўрадилар.  
Бу бутнинг қаршисида Шайтонлар қўл қовуштириб:"Буюр! Сенинг  
амрингни бажарайин", - деб турар экан». Ушбу фикрнинг талқинини  
изохлаб беринг.



АХЛОҚ ФАЛСАФАСИ ФАНИДАН ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ 2  
КУРС "ФАЛСАФА" "МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲОЯСИ, ХУҚУҚ ВЛ  
МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ" БЎЛИМИ БАКАЛАВР ТАЪЛИМ  
ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА "ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛА!  
ДАВРИ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИ. МАШХУР ПАНДНОМАЛАРНИНГ  
АХЛОҚИЙ МОҲИЯТИ" МАВЗУИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯНИНГ "ФСМУ" МЕТОДИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ  
ВА ЎТКАЗИШ

## СЦЕНАРИЙСИ

**Дарс мавзуси:** (Амалий машғулот) «Темур ва темурийлар даври ахлоқ фалсафаси. Машхур пандномаларнинг ахлоқий моҳияти».

**Дарснинг таълимий мақсади:** Талабаларга миллий кадриятлар асосида маънавий баркамолликнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларни ахлоқий масалалар бўйича миллий ғоя ва кадриятларнинг афзаллик жиҳатларини кўрсагаб бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқ фалсафасининг мезоний тушунчасини бўлмиш эзгуликка интилиш, уни инсон ахлоқий ҳаётидаги ўрнини ҳис қилиш ҳамда қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи ахлоқий баркамоллик хусусиятларини ривожлантиришдан иборат.

Дарсда **фойдаланиладиган** метод. "ФСМУ"

**Дарснинг бориши:**

*1. Ташкилий қисм.*

*2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзиде амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, пандномаларнинг инсон ахлоқий ҳаётидаги тутган ўрни, эзгуликка интилиш ва унинг маънавий баркамолликнинг бир қисми сифатида жамиятга бўлган ижобий таъсири, замонавий қомил инсонни тарбиялашдаги асосий воситалардан бири сифатида намўн бўлишини ёритиб беришга бағишланганлиги ҳақида фикр билдирилади.

*3. "ФСМУ" ўйинни ўтказиш.*

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади. Бу технология тингловчиларни ўз фикрларини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини муносиб тарзда ҳимоя қила олишга, бахслашувда бошқаларнинг фикрини эшита олиш қобилиятни ўстиришда ҳамда бахслашиш маданиятини ўргатади.

Аудитория 5 ёки 6 та кичик гуруҳларга бўлиади. Ҳар бир кичик гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 минут

динонда мустакил равишда тўғри "ФСМУ" ўтказилади. Шундан сўнг руруҳдан бири киши чикиб ўзларини ғоялари хақида ахборот берадилар. (шрча гуруҳ эшитиб бўлингандан сўнг ўқитувчи томонидан муаммо бў) Пича фикрлар умумлаштирилади ва баҳо берилади.

ФСМУнинг 4 босқичи:

Ф - фикрингизни баён этинг.

С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У - фикрингизни умумлаштиринг

#### *1 - вазифа:*

Ҳар нарсанинг меваси бордур. Хилмнинг меваси баландлиқдур ва каноатнинг меваси роҳатдир ва тавозуънинг меваси муҳаббатдур.

Сизнинг фикрингиз?

#### *2 - вазифа:*

Жавонмард улдулки, озорларга мустахик бўлгон кишига озор бермаса, ва озода улдулки, бировни озор берганига оғримаса.

#### *3 - вазифа:*

Бадбахт улдулки, анга илм бермасалар, амал бермаслар. Тавфик бермасалар, ихлос бермасалар ва яхшилар суҳбатига йўл бермасалар, қабул бермасалар (Ҳожа Аҳрор Валий).

#### *4 — вазифа:*

Илм қувватининг гўзал ва манфаатли бўлиши-сўзларда тўғри ва ёлғоннинг, эътиқодда ҳақ ва ботилнинг, феълларда чиройли ва хунукнинг орасини осон ва енгил фарқлай билиш билан белгилапади. Илм қуввати соғлом бўлар экан, ундан ҳиммат мевалари ҳосил бўлади. Ҳикмат эса гўзал ахлоқнинг бошидир (Имом Ғаззолий).

#### *5 — вазифа:*

Мардлик улдулки. ҳар Ким сенга ёмонлик қилса, ўрнига яхшилик қил! Ва ҳар Ким сандин узулса, ёпушгил! Ва ҳар Ким сани ноумид қилса, анга эҳсон қил (Ҳожа Аҳрор Валий)!